

Фиқҳ дарслари (88-дарс). «Поклик» араб тилида «таҳорат» дейилади



14:00 / 04.06.2020 5428

«Китоб» сўзи «ёзиш» ўзагидан олинган бўлиб, «ёзилган» деган маънони англатади. Бир тўп ёзилган ва рақларнинг муқова орасига олингани «китоб» деб ишлатиб келинган.

Аслида эса у кенгроқ маънони ифодалайди. Қуръони Каримнинг номларидан бири ҳам «Китоб»дир. Исломда «Аллоҳнинг Китобида», «Китоб ва Суннатда» каби иборалардаги «Китоб» Қуръон демакдир.

Шунингдек, Ислом адабиётида бир неча фасл ва бобларни ўз ичига олган бир мавзу ҳақидаги маълумотлар тўпламини ҳам «китоб» деб аташ одат бўлиб қолган. «Ҳажж китоби», «Рўза китоби» кабилар шу жумладандир.

Фиқҳ китобларининг барчалари «Поклик китоби»дан бошланади. Фиқҳ илмида баҳс юритиладиган масалаларнинг энг муҳими бўлган намознинг калити бўлгани учун ҳам, поклик ҳақидаги китоб бошқаларидан аввал келтирилади.

«Поклик» араб тилида «таҳорат» дейилади. Араб тилидаги китобларда бу мавзу «Таҳорат китоби» деб аталади. Аммо бизда асосан намоз ўқиш учун бажариладиган, арабча «вузуъ» деб аталадиган покланиш амалини «таҳорат» дейиш одат бўлиб қолгани учун «Таҳорат китоби»ни «Поклик китоби» деб атадик.

«Поклик» – «таҳорат» сўзи луғатда «тозалик» ва «озодалик» маъносини англатади.

Шариатда эса ғусл, таяммум каби асосан намоз ўқиш учун керак бўлган покланиш ишларига таҳорат дейилади.

Исломда поклик иймондан ҳисобланади. Ислом поклик ва покланиш ишларига ўта жиддий назар билан қарайди. Дунёда Исломдан бошқа ҳеч бир дин, тузум ёки фалсафа покликни, озодаликни иймон иши даражасига кўтартмаган.

Исломда эса бу нарса иймон иши бўлиши билан бирга, поклик бўлмаса, банданинг ибодати ҳам қабул бўлмайди. Исломда барча ибодатларнинг қабул бўлиши учун аввало банданинг қалби, нияти пок бўлиши керак.

Қолаверса, ибодатларнинг қабул бўлиши учун инсоннинг бутун танаси, кийим-боши ва ҳатто ибодат жойи ҳам пок бўлиши шарт. Пок бўлганда ҳам, каттаю кичик, кўзга кўринадигану кўринмайдиган барча нопокликлардан холи бўлиши керак. Ана шундай покликка эга бўлмаган банда Аллоҳга ибодат қила олмайди. Яъни намоз ҳам ўқий олмайди, Қуръонни – Мусҳафни ҳам ушлай олмайди.

Исломда ибодатларнинг қабул бўлиши уларнинг поклик асосида адо этилишига боғлиқ. Бизда поклик йўлида қилинган ҳар бир иш юқори баҳоланади ва уни қилган кишига улкан ажр-савоблар, олий мартабалар бор.

«Кифоя» китобидан